


## Дунёдаги энг қисқа ва энг узун рўза даври



18:05 / 09.04.2021 3500

Рамазон ойи кейинги ҳафтадан бошланади. Al Jazeera веб-сайтнинг хабар беришича, бу йил рўза тутилган мамлакатга қараб рўза тутиш 10 соатдан 21 соатгача давом этади.

Рамазон ҳар йили аввалги йилга нисбатан 10-12 кун олдин бошланади. Бунинг сабаби, Ислом тақвими ҳижрий ой тақвими асосида 29-30 кунлик ойлар билан тузилган. Кейинги сафар баҳор фаслига тўғри келадиган Рамазон ойи 33 йил ичида тахминан 2054 йилда 13 апрель санасида бошланади.

Ёруғлик соатининг миқдори ҳар бир мамлакатда фарқ қилади. Чили ёки Янги Зеландия каби дунёнинг энг жанубий мамлакатларида яшовчи мусулмонлар ўртача 11 соат, Исландия ёки Норвегия сингари шимолий мамлакатларда яшовчи мусулмонлар 18 соатдан кўпроқ рўза тутишади.

Шимолий ярим шарда яшовчи мусулмонлар учун рўза вақти бу йил бироз қисқароқ бўлади ва экваторнинг жанубида яшовчи мусулмонлар учун эса аксинча.

Қуйида дунёнинг баъзи мамлакатларида рўза тутиш вақти келтирилган:

- Норвегиянинг узоқ шимолий шаҳарларида, масалан, 20 апрелдан 22 августгача қуёш ботмайдиган Лонггарбен шаҳрида яшовчи мусулмонлар энг яқин мусулмон мамлакати тақвимида ишлайди.

## RAMADAN 2021

# Longest fasting hours

Muslims in the world's northernmost countries will **fast the longest**.

**19** **57**  
hours minutes



Nuuk  
**Greenland**

**19** **56**  
hours minutes



Reykjavik  
**Iceland**

**19** **09**  
hours minutes



Helsinki  
**Finland**

**18** **58**  
hours minutes



Stockholm  
**Sweden**

**18** **36**  
hours minutes



Glasgow  
**Scotland**

On  
**May 12,**  
the longest  
day of Ramadan  
in the Northern  
Hemisphere

- Новк, Гренландия: 19-20 соат.
- Рейкжавик, Исландия: 19-20 соат.
- Хельсинки, Финляндия: 18-19 соат
- Стокгольм, Швеция: 17-18 соат
- Глазго, Шотландия: 17-18 соат
- Осло, Норвегия: 17-18 соат
- Копенгаген, Дания: 17-18 соат
- Москва, Россия: 17-18 соат

- Берлин, Германия: 16-17 соат
- Амстердам, Голландия: 16-17 соат
- Варшава, Польша: 16-17 соат
- Лондон, Англия: 16-17 соат
- Париж, Франция: 16-17 соат
- Нур-Султон, Қозоғистон: 16-17 соат
- Брюссел, Белгия: 16-17 соат
- Оттава, Канада: 15-16 соат.
- София, Болгария: 15-16 соат
- Рим, Италия: 15-16 соат
- Мадрид, Испания: 15-16 соат
- Пекин, Хитой: 15-16 соат
- Вашингтон, АҚШ: 15-16 соат.
- Пхенян, Шимолий Корея: 15-16 соат.
- Анқара, Туркия: 15-16 соат
- Работ, Марокаш: 14-15 соат
- Токио, Япония: 14-15 соат
- Исломобод, Покистон: 14-15 соат
- Техрон, Эрон: 14-15 соат
- Бағдод, Ироқ: 14-15 соат
- Бейрут, Ливан: 14-15 соат
- Дамашқ, Сурия: 14-15 соат
- Қоҳира, Миср: 14-15 соат
- Қуддус: 14-15 соат

Қувайт шаҳри, Қувайт: 14-15 соат

- Ғазо, Ғаластин: 14-15 соат

- Деҳли, Ҳиндистон: 14-15 соат

- Гонконг: 14-15 соат

Дакка, Бангладеш: 14-15 соат

Мускат, Уммон: 14-15 соат

- Кобул, Афғонистон: 14-15 соат

- Ар-Риёд, Саудия Арабистони: 14-15 соат

- Доҳа, Қатар: 14-15 соат

- Дубай, БАА: 14-15 соат

- Адан, Яман: 13-14 соат

- Аддис-Абаба, Эфиопия: 13-14 соат.

- Ёханнесбург, Жанубий Африка: 11-12.

- Буенос-Айрес, Аргентина: 11-12 соат.

Парагвай: 11-12 соат


Кейптаун, Жанубий Африка: 11-12 соат

- Монтевидео, Уругвай: 11-12 соат

- Канберра, Австралия: 11-12 соат

- Порту-Монте, Чили: 23-12 соат

- Крайстчерч, Янги Зеландия: 11-12 соат



**Хуршид Маъруф тайёрлади**